



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Абдубоқиев Мухаммад Шарофитдинович

Тошкент давлат иқтисодийёт
университети таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a26

Аннотация. Мақолада акциядорлик жамиятлари томонидан қимматли қоғозлар бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг иқтисодий аҳамияти ва долзарблиги баён этилган. Хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг соҳага доир тадқиқотлари бўйича маълумотлар келтирилган. Кейинги йилларда акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки ва унинг тенденциялари таҳлил қилинган. Шунингдек, амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари томонидан қимматли қоғозлар бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини такомиллаштиришга доир хулосалари келтирилган.

Калим сўзлар: корпоратив бошқарув, молиявий ресурслар, молия стратегияси, акция, облигация, фонд бозори, молиявий таъминот, инвестицион стратегия, молиявий механизм.

АНАЛИЗ ПРИВЛЕЧЕНИЕ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ АКЦИОНЕРНЫМИ ОБЩЕСТВАМИ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

Абдубоқиев Мухаммад Шарофитдинович

докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В статье раскрыта экономическая значимость и актуальность привлечения акционерными обществами финансовых ресурсов с фондового рынка. Представлена информация об исследованиях зарубежных и отечественных экономистов в данной области. Проанализировано участие акционерных обществ на фондовом рынке и его тенденции. Также по результатам проведенного исследования представлены выводы по совершенствованию механизма привлечения акционерными обществами финансовых ресурсов с фондового рынка.

Ключевые слова: корпоративные финансы, финансовая стратегия, капитал, облигации, финансовое обеспечение, акция, приватизация, инвестиционная стратегия, корпоративное управление, финансовый механизм.

ANALYSIS OF ATTRACTION OF FINANCIAL RESOURCES BY JOINT STOCK COMPANIES IN THE SECURITIES MARKET

Abdubokiev Muhammad Sharofitdinovich

Doctoral student of
Tashkent State University of Economics

Annotation. The article reveals the economic significance and relevance of joint-stock companies attracting financial resources from the stock market. Information is presented on the research of foreign and domestic economists in this area. The participation of joint stock companies in the stock market and its trends is analyzed. Also, based on the results of the study, conclusions are presented on improving the mechanism for joint-stock companies to attract financial resources from the stock market.

Key words: corporate finance, financial strategy, capital, bonds, financial security, shares, privatization, investment strategy, corporate governance, financial mechanism.

Кириш. Янги Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантиришнинг жорий босқичида мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда акциядорлик

жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштиришга доир амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларидан бири сифатида қимматли қоғозлар бозори савдо айланмасида институционал инвесторларнинг улушини ошиб бораётган-

лигини алоҳида қайд этиш мумкин. Бироқ халқаро амалиёт тажрибаларидан маълумки, қимматли қоғозлар савдо хажмининг ЯИМдаги улуши жуда кам миқдорларни ташкил этмоқда. Миллий амалиётда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш хусусан мазкур жараёнларда акциядорлик жамиятлари фаоллигини оширишга қаратилган қатор қонунчилик меъёрлари такомиллаштирилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида “мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш мақсадида молия бозорига хорижий капитал оқимларини асосан ўрта ва узоқ муддатга жалб қилиш, давлат қимматли қоғозларини норезидентлар томонидан харид қилишга рухсат бериш ҳамда корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш” каби устувор вазифалар алоҳида қайд этиб ўтилган [1].

Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятлари томонидан қимматли қоғозлар бозоридан капитал жалб қилишнинг замонавий инструментларини миллий амалиётга жорий этиш хусусан иқтисодий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, соҳадаги кадрлар масаласини ижобий ечимини топиш, йирик молиявий муассасаларни мазкур инструментлардан фойдаланишга бўлган қизқишини ошириш каби мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблигини ўзида намоён этади. Шунингдек, миллий капитал бозорини ривожлантиришда халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда халқаро интеграциялашувини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодий асослари, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг аҳамиятини ёритишга доир мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

М.И.Касимова томонидан таклиф этилган капитал бозорининг таърифига кўшилган ҳолда, “қимматли қоғозлар бозори – иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар бўлиб, бу бир томондан, талабни ва бошқа томондан – инвестиция маҳсулотларига бўлган таклифни юзага келтиради” дейиш мумкин. Шу муноса-

бат билан, М.И.Касимова қонуний тарзда капитал бозорларини инвестицион товарларга, яъни пул маблағларига, қимматли қоғозлар ва бошқа қиймат шаклларига “боғлайди”, буларнинг мақсади эса фойда олишдан иборат ҳисобланади. Капитал бозорида узоқ муддатли ҳамда қисқа муддатли капитал ва мажбуриятлар ҳам кенг муомалада бўлади [2].

Р.Р.Рубцовнинг фикрига кўра, “Молия бозори - пул капиталининг ҳаракатланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир” [3].

Халқаро молия бозори ва институтлар, уларнинг ташкилий-иқтисодий асосларига доир кўплаб илмий адабиётлар муаллифи Ф.Мишкиннинг фикрига кўра, “қимматли қоғозлар бозори - ортиқча маблағларга эга одамлардаги пул маблағларини пул маблағлари етишмаётганларга ўтказиб беришга хизмат қилувчи бозор” [4].

Корпоратив тузилмалар ва қимматли қоғозлар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар, корпоратив тузилмалар томонидан молия бозорлари орқали инвестициялар жалб қилиш механизми ва корпоратив тузилмалар фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари И.Л.Бутиковнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган [5].

Ф.Т.Мухамедовнинг илмий тадқиқот ишларида қимматли қоғозлар савдо тизимлари ва уларни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, бунда қимматли қоғозлар савдо тизимлари ривожланишига таъсир этувчи омиллар, бу бўйича амалдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари келтирилган [6].

К.З.Хомитовнинг илмий тадқиқот ишларида компаниялар қимматли қоғозларини баҳолаш ва фонд биржаларига жойлаштириш, фонд биржаси фаолиятининг устувор йўналишлари, лойиҳаларга сармоя киритиш ва даромадлилик масалалари тадқиқ қилинган [7].

Н.Р.Турсунова томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида акциядорлик жамиятлар томонидан муомалага чиқариладиган корпоратив облигацияларнинг иқтисодий моҳияти тадқиқ қилинган, шунингдек, тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган ва жойлаштирилган корпоратив облигациялар ҳолати, фонд биржасида корпоратив облигациялар айланмаси ҳолати таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилган [8].

Х.Х.Худойқулов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда фонд бозори активларини баҳолаш моделлари, хусусан компания акцияларининг фонд бозорларидаги да-

ромаддилик даражасини баҳолаш моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Натижада молиявий активларни баҳолаш (САРМ) моделлари турлари ва улардан фойдаланиш хусусиятлари бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқилган [9].

Акциядорлик жамиятларини акциялар орқали молиялаштириш – акциядорлик жамиятларини дастлабки, IPO орқали, капитализациялашган фойда ҳисобига иккиламчи, ёпиқ обуна асосида қўшимча ҳамда имтиёзли акциялар ва акцияларга конвертация қилинадиган қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдан иборат [10].

Тадқиқот методологияси. Мақолада қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишининг фундаментал асосларини ёритишга қаратилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмалари тадқиқ этилган. Шунингдек тадқиқотда математик-статистик моделлаштириш, қиёсий таҳлил, корреляция ва регрессия, мантиқий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. 2022 йил давомида 114 та эмитентнинг 36,15 млрд дона қимматли қоғозлари билан жами 4,82 трлн. сўмлик 80 723 та битим тузилган бўлиб, энг катта ҳажмдаги битимлар январ ойида қайд этилган бу кўрсаткич 3,04 триллион сўмга етган. Максимал ҳажм 20 январга тўғри келган бўлса, шу кунга тузилган битимларнинг умумий суммаси 1,90 трлн сўмдан ошган. Энг кам ҳажмдаги битимлар август

ойида тузилган бўлиб жами 39,53 млн. сўмни ташкил этган. Агар йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлса, 2018 йилда жами битимлар ҳажми 687,30 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилнинг 9 ойлик якуналари бўйича 2,5 баробарга ошган ҳолда 2354,80 млрд. сўмга етган. Бу эса ўтган йиллар мобайнида институционал инвесторлар томонидан қимматли савдолари бўйича фаоллашуви ҳамда масъулияти чекланган жамиятларига корпоратив облигациялар эмиссияси бўйича берилган ваколатларни жорий этилганлиги билан изохлаш мумкин. Ушбу рақамларни тузилган битимлар ҳажми бўйича ҳам кўриш мумкин. Агар 2018 йилда жами 13750 дона битимлар тузилган бўлса 2023 йилнинг якуналарига келиб қимматли қоғозлар савдолари бўйича тузилган битимлар сони 18 баробарга ошганлини ўзи Тошкент РФБ да замонавий платформаларини босқичма-босқич такомиллашиб бораётганлигини намоён этади (1-расм).

Кейинги йилларда мамлакатимизда қимматли қоғозлар савдоларини амалга оширишга ихтисослашган Тошкент РФБ нинг савдо динамикаси ҳажми ўтган йилларга нисбатан ўсиш динамикасига эга бўлиб бормоқда. 2022 йил якуни бўйича “Тошкент” РФБ биржа котировкалари варағида 111 та эмитентнинг қимматли қоғозлари мавжуд бўлиб, улардан 107 таси акциялар эмитентлари, улардан 3 таси акция ва облигациялар эмитентлари ва 4 таси фақат облигациялар эмитентларидир.



1-расм. 2018-2023 йилларда қимматли қоғозлар бўйича битимлар сони ва ҳажми [14]

Листинг тоифалари бўйича энг кўп битимлар сони ва савдолар ҳажми «Стандарт» тоифасидаги эмитентларнинг акциялари билан - 3 597,22 млрд сўмлик 55 598 та битим

қайд этилган. «Премиум» листинг тоифасидаги эмитент қимматли қоғозлари ушбу кўрсаткичларнинг энг паст қийматини қайд этди: битимлар сони – 7 535 дона; битимлар ҳажми

– 14,05 млрд сўм. 2022 йил 5 январ ҳолатига кўра, биржа котировкалари варағида 139 та эмитентнинг қимматли қоғозлари мавжуд эди. Ҳисобот даврида 23 та эмитентнинг қимматли қоғозлари биржа котировкалари варағига киритилган бўлиб, улардан 20 таси акциялар ва 3 таси облигациялар эмитентлари ҳисобланади, шунингдек, 51 та эмитент қимматли қоғозлари биржа котировкалари варақаси талабларига мос келмаслигига; эмитентнинг банкротлиги белгилари мавжудлигига; облигациялар сўндирилганлигига ёки эмитентларнинг талабига биноан делистинг қилинди, бунинг натижасида 2022 йил 30 декабр ҳолатига кўра, 111 та эмитентнинг қимматли қоғозлари биржа котировкалари варағида мавжуд.

2022 йилда облигациялар бозорида жами 71 та битим тузилиб, уларнинг умумий ҳажми 110,42 млрд сўмни ташкил этди. Бу йилги савдоларда 7 та эмитентнинг 24 997 дона облигациялари иштирок этди. Битимларнинг энг йирик ҳажми “Капиталбанк” АТБ /КПБА10/ корпоратив облигациялари билан тузилган 61,80 млрд сўмлик битимларга тўғри келди. “Бизнес финанс микромолия ташкилот” МЧЖ /БФМТ3/ облигациялари билан эса энг кўп битимлар тузилди - 39 дона. Облигацияларнинг асосий қисми юридик шахслар томонидан сотиб олинган бўлиб, улар умумий савдо ҳажмининг 97,38 фоизини ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган корпоратив облигациялар ҳақида маълумот (01.01.2023 йил ҳолатига) [15]

№	Эмитент	Чиқарилган сана / сўндирилиш санаси	Купон ставкаси	1 дона облигациянинг номинал баҳоси	Чиқарилган ҚҚ сони	Жойлаштирилган ҚҚ сони
1	“Asia Alliance Bank” АТБ	16.07.2019/ 15.07.2026	МБ қайта молиялаштириш ставкаси + 4 %	1000000	50000	50000
2	“Капиталбанк” АТБ	24.04.2020/ 21.05.2027	МБ қайта молиялаштириш ставкаси + 5 %	1000000	50000	50000
		06.09.2021/ 30.08.2031	6,5% корп. субординат облигацияларнинг номиналига индексланган	10000000	6180	6180
3	“Ўзметкомбинат” АЖ	24.12.2021/ 26.06.2023	22%	5000000	10000	10000
4	“Ўзагролизинг” АЖ	14.09.2022/ 10.03.2024	23%	1000000	50000	15113

2022 йил якуни бўйича “Тошкент” РФБ биржа котировкалари варағида 7 та эмитентнинг облигациялари мавжуд бўлиб, улардан 2 таси акциядорлик жамияти шаклидаги эмитент, 2 таси акциядорлик тижорат банклари сектори ва 3 таси масъулияти чекланган жамият шаклидаги эмитентлардир. 7 та эмитентдан 5 тасининг облигациялари белгиланган купон даромад бўйича (/AREL1/-21%, /AREL2/-21,5%, /UZMB2/- 22,0%, /AREL3/-22,5%, /UZAL2/- 23, 0%, /CRMT3/- 24% va /BFMT3/- 27%), “Asia Alliance Bank” АТБ /ААВК1/ ва “Капитал банк” АТБ /КРВ4/ томонидан чиқарилган облигациялар купон ставкаси эса Марказий банкнинг асосий фоиз ставкасига боғланган.


Қимматли қоғозлар бозорида асосий савдо майдони бўлган G1- «Main Board» савдо

платформасида 2023 йилнинг 9 оyi давомида 83 та эмитентнинг акциялари билан умумий қиймати 333,68 млрд сўмлик 247 263 та битим тузилди. Битимларнинг энг катта ҳажми “Ravnaq-Bank” АТБнинг /RBQB/ оддий акциялари билан тузилган 157,34 млрд сўмлик битимга тўғро келди. T1- «Nego Board» савдо майдонида, яъни, музокаралар аукцион режимида, ҳажми чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг камида 1% ни ташкил этадиган қимматли қоғозлар пакетлари билан битимлар тузиладиган бўлиб, кўриб чиқилаётган даврда 24 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан умумий қиймати 1,88 трлн сўмлик 75 та битим қайд этилди. Битимларнинг энг катта ҳажми «SOLUTIONS LAB» АЖнинг /SOLA/ оддий акциялари билан тузилган бўлиб 672,68 млрд сўм ёки умумий

биржа ҳажмининг 28,57%ни ташкил этди. «Ипак-Йўли» АТИБнинг /IPK1/ имтиёзли акциялари билан тузилган 9,34 млн. сўмлик савдо энг кичик ҳажмдаги битим бўлиб, умумий биржа ҳажмининг 0,0004%ни ташкил этди.

Агар 2018 йилда акциялар бозорининг умумий капиталлашуви 21,59 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 6,8 фоизга етган. 2022 йил давомида биржа котировкалари варағига киритилган эмитентларнинг умумий бозор капиталлашуви сезиларли даражада ўзгарди, давр охирига келиб капиталлашувнинг пасайиши ва ўсиши кузатилди. 01.05.2022 йил ҳолатига кўра бозор капиталлашуви 55,72 трлн. сўмни ташкил этди ва 30.12.2022 йилгача 55,72 дан 152,10 трлн сўм оралиғида ўзгариб турди. 14.04.2022

йилдан бозор капиталлашувининг жадал равишда ўсиши кузатилди, бу теднесия 2022 йил 20 апрелгача давом этди ва 152,10 трлн. сўмга етди. Бу даврда «Ўзметкомбинат» АЖнинг оддий ва имтиёзли акциялари сони 1 дона акцияга нисбатан 10 дона қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига кўпайтирилди ва ўз навбатида, бу вақтда акциялар эски нархда (ўртача 140 000,00 сўмда) сотилди ва эмитентнинг 5,99 трлн сўмлик бозор капиталлашуви 68,19 трлн сўмни акс этди. Шундан сўнг, «Ўзметкомбинат» АЖ акциялари нархи 1/11 нисбатда тузатилди ва капиталлашув ҳажми 105,17 трлн. сўм ҳолатига келди. 2023 йил 1 январ ҳолатида биржа котировкалари варағига киритилган эмитентларнинг умумий бозор капиталлашуви 94,38 трлн сўм қийматни ташкил этди (2-расм).



2-расм. 2018-2023 йилларда акция бозорининг умумий бозор капиталлашуви [14]

Бозор капиталлашуви ЯДТМ тизими томонидан тақдим этилган қимматли қоғозларнинг сони ва уларнинг ёпилиш нархларини кўпайтириш орқали аниқланади. 2022 йилда акциялар билан тузилган умумий битимларнинг 99,90 фоизи «Main Board» платформасида амалга оширилганига қарамай, битимларнинг энг катта ҳажми «Nego Board» платформасида (акциялар билан тузилган умумий битимлар ҳажмининг 75,09 фоиз) амалга оширилган. 2022 йилда битимларнинг энг катта ҳажми «Капиталбанк» АТБ нинг /КРВА/, /КРВА1/ оддий ва имтиёзли акцияларига тўғри келиб, улар билан мос равишда 786,90 ва 140,54 млрд сўмлик битимлар тузилди ва бу умумий биржа ҳажмининг 67,11% ва 11,98%ни ташкил этди. Кейинги ўринда энг катта битимлар «Garant Bank» АТБнинг /GRBK/ оддий акциялари билан 71,35 млрд

сўмлик битимлар тузилди ва бу умумий биржа савдолар ҳажмининг 6,08% ни ташкил этди. «Ўзметкомбинат» АЖнинг /UZMK/ оддий акциялари билан тузилган битимлар ҳажми 42,75 млрд. сўмни ва умумий биржадаги улуши 3,64%ни ташкил этди. «UNIPOLIS» АЖ /UNPL/ ва «Универсал банк» АТБ /УНББ/ оддий акциялари билан тузилган битимлар ҳажми мос равишда 23,55 млрд ва 16,93 млрд сўмни ташкил этди. Топ 10 таликни «TEMIRYO'L-SUG'URTA» АЖ /TMYS/ и «OHANGARONSEMENT» АЖ /OHSM/ оддий акциялари 6,20 млрд ва 6,07 млрд сўмлик битимлар билан якунлади, бу умумий битимлар ҳажмининг мос равишда 0,53% ва 0,52% ни ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро капитал бозоридан молия-

вий ресурслар жалб қилиш амалиётини ривожланиб бораётганлиги шароитида, мазкур жараёнларга нафақат тижорат банклари балки иқтисодий реал сектори корхоналарини кенгроқ жалб қилиш лозим. Ушбу амалиётни такомиллаштириш орқали мазкур акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлатнинг улушини босқичма-босқич камайтириш, халқаро молия бозорига интеграциялашувни кучайтириш, мустақил халқаро рейтинг индексларига эга бўлиш ва замонавий корпоратив бошқарув механизмини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Мавжуд облигациялар турларини диверсификация қилиш - опцион ва фьючерслар чиқариш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш, шунингдек янги турдаги қимматли қоғозларни (жумладан, секьюритизация ва ипотека облигациялар) жойлаштириш ва уларнинг муомаласи амалга оширилишини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банкларининг ривожланаётган қимматли қоғозлар бозорида энг йирик инс-

титудонал инвестор сифатида иштирок этишига мойиллиги, уларнинг кўпчилиги капиталлашув даражаси юқори, унинг турли сегментлари ҳолати тўғрисида кучли маълумот базаларига, шунингдек, инвестицияларни бошқариш соҳасидаги малакали мутахассисларга эга эканлиги билан изоҳланади. Рақобатбардошликнинг ана шундай муҳим мезонларига эга бўлиш Ўзбекистон тижорат банкларига республика корхоналарини инновацион ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг кенг воситаларидан фойдаланиш учун кўпгина имкониятлар очади. Таъкидлаш лозимки, тижорат банклари Ўзбекистон фонд бозорининг энг тажрибали ва инвестиция институтлари ҳисобланади. Юқоридагиларга қўшимча равишда, банкларнинг корхоналар учун хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга бўлган эҳтиёжи, Ўзбекистон молия бозорида иқтисодий жиҳатдан янада қулай бўлган молиявий тузилмалар (инвестиция фондлари, суғурта) кўринишидаги жиддий рақобатчиларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbirlar тўғрисида” ПФ-6096-сон Фармони.
2. Касимова М.И. Рынок капиталов: сущность, содержание и его место в системе рыночных отношений // Фундаментальные исследования – 2016 с. 152-156.
3. Рубцов Б.Б. Глобальные финансовые рынки: масштабы, структура, регулирование // Век глобализации. - №2 (8) – 2011, С.73-98.
4. Frederics S. Mishkin, Kent Matthews and Massimo Giuliadori. Financial markets and institutions. USA. Prentice Hall, 2012, P. 2.
5. Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании. - М.: Монография, 2014.
6. Мухамедов Ф.Т. “Ўзбекистонда қимматли қоғозлар савдо тизимларини такомиллаштириш”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. Тошкент-2012.
7. Хомитов К.З. Компания қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш масалалари. “Иқтисодий ва таълим” илмий журнали. 2017 йил 2-сон, 48-54-бетлар.
8. Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – ТМИ.: Тошкент – 2019, 21 б.
9. Xudoyqulov X.X. Aksiyadorlik jamiyatlarining kapital qiymatini baholashning metodologik asoslarini takomillashtirish: Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati – Toshkent, 2021. -17 b.
10. Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – ТМИ.: Тошкент – 2019, 15 б.
11. Elmurodov S. Yashirin iqtisodiyotni kamaytirishda moliyaviy mexanizmlarning iqtisodiy ahamiyati va o'рни // MOLIYA VA BANK ISHI. – 2022. – Т. 8. – №. 3. – С. 160-165.
12. Обидов Р.Р., Шарахматов Д.Д., Кулжанов О.М. Кластер тизимида асосий воситалар харажатлари ҳисобини такомиллаштириш // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 1331-1339.
13. Tashmuradova B., Hamdamov O., Elmurodov S. Evaluation of the determinants of shadow economy in selected central Asian countries // Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – Т. 12. – №. 7.
14. https://uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/153/original/2022_yil_bo'yicha_birjaviy_tahlil.pdf?16768833 – Тошкент РФБнинг расмий веб сайти маълумотлари.
15. <https://uzcsd.uz/> - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг расмий веб сайти маълумотлари.